



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 13 - aprel

VI-49-52-11-161-K/22

O'zbekiston tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қарорини Ўзбекистон туманидаги ижроси тўғрисида

2022 йилда “Обод қишлоқ” дастурига Намуна ва Хотамтой фуқаролар йиғинлари киритилган бўлиб, ушбу маҳалла фуқаролар йиғинларида қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгиланган:

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ушбу МФЙларда жами 23 млрд 452 млн.сўмлик;

Шундан:

Республика бюджет маблағлари ҳисобидан - 16,728 млрд сўмлик;

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан - 4,879 млрд.сўмлик;

Тармоқ корхоналари маблағлари ҳисобидан – 1,129 млрд сўмлик;

Тадбиркорлик, ҳомийлик ва банк кредити маблағлари ҳисобидан - 716 млн сўмлик;

Захира маблағлар ҳисобидан - 5,655 млрд сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган.

Жумладан:

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 2 дона сув иншооти қуриш, 3 дона мавжуд сув иншоотларини реконструкция қилиш, 24,3 км тармоқ тортиш ишларига **жами 6 млрд 310 млн сўм** республика маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Йўللарни таъмирлаш бўйича ҳудудлардаги **жами 36 км** йўللарни

асфальтлаш ва шағаллаш учун **10 млрд 420 млн сўм** республика маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Электр таъминотини яхшилаш, аҳолини электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида 5,7 км электр тармоқларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, бетон таянч устунларни янгилаш, 2 та трансформатор пункти ўрнатиш ишларига **965 млн сўм** ("Ўзбекэнерго" АЖ) маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича 27 дона газ балон билан таъминлашга 8,0 млн сўм "Ўзтрансгаз" маблағлари сарфланиши белгиланган.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими бўйича:

6,0 км оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларига 150 млн сўм "Ўзтелеком" АЖ маблағлари сарфланиши режалаштирилган.

142 дона якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш (283 млн сўм аҳоли ва ҳомийлар маблағи) кўзда тутилган.

1,0 км пиёдалар йўлаги қуришга 60 млн сўм;

100 дона тунги кўча чироклари ўрнатишга 174 млн сўм маҳаллий бюджет сарфланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, **5 дона ижтимоий соҳа** (3 та мактаб, 1 та мактабгача таълим ташкилоти ва 1 та тиббиёт бирлашмаси 74-оилавий поликлиника) филиали) муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал ишларига **4 млрд 465 млн сўм** маҳаллий бюджет маблағлари сарфланиши кўзда тутилган.

1.Намуна МФЙ ҳудуди бўйича:

"Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони **1000 гектар**, маҳалладаги хонадонлар сони **630 та**, аҳоли сони **3161 нафар**, "Темир дафтар"га киритилган хондонлар сони 2 та, аҳоли сони 6 нафар, "Аёллар дафтари"га киритилган аҳоли сони 36 нафарни ташкил этади. Маҳалладаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони **2107 нафар (66,6 %)**ни, уларнинг доимий иш билан банд бўлганлар сони **1790 нафар (56,6 %)**ни, бугунги кунда ишсизлар 38 нафар (**1,2 %**) ташкил этади. Ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони **28 нафар**, шундан юридик шахслар **12 та**, якка тартибдаги тадбиркорлар сони **16 та**.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида Намуна МФЙда жами 7,689 млрд сўмлик;

Шундан:

Республика бюджет маблағлари ҳисобидан - 4,983 млрд сўмлик;

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан - 1,717 млрд.сўмлик;

Тармоқ корхоналари маблағлари ҳисобидан - 569 млн сўмлик;

Тадбиркорлик, ҳомийлик ва банк кредити маблағлари ҳисобидан - 350 млн сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган.

Жумладан:

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ҳудудда 2 дона сув иншооти қуриш, 12,3 км тармоқ тортиш ишларига **3 млрд 198 млн сўм** республика бюджети маблағлари сарфланиши кўзда тутилган.

Ички йўллари таъмирлаш бўйича ҳудуддаги **6,0 км.ички йўллари** асфальтлаш ва шағаллаш учун **1 млрд 785 млн сўм** республика маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Электр таъминотини яхшилаш, аҳолини электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида 2,3 км электр тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, таягч устунларни янгилаш ва 2 дона трансформатор пункти ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, мазкур ишлар учун **302 млн сўм** "Ўзбекэнерго" АЖ маблағлари сарфланиши белгиланган.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича кам таъминланган ҳонадонларга

12 дона суюлтирилган газ балонлари билан таъминлаш белгиланган ("Ўзтрансгаз" АЖ маблағи **6,4 млн сўм.**).

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими бўйича:

3,0 км оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларига 75 млн сўм "Ўзтелеком" АЖ маблағлари сарфланиши режалаштирилган.

79 дона якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш (183 млн сўм аҳоли ва ҳомийлар маблағи) кўзда тутилган.

0,5 км пиёдалар йўлаги қуришга 30 млн сўм;

50 дона тунги ёритиш кўча чироқлари ўрнатишга 87 млн сўм маҳаллий бюджет маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш бўйича:

Намуна МФЙ Комилчўли қишлоғида жойлашган жойлашган 64-мактабгача таълим ташкилотини мукамал таъмирлаш учун **1 млрд 150 млн**

сўм;

7-умумтаълим мактаби филиалини таъмирлашга 480 млн сўм маҳаллий бюджет маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек ҳудуддаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари тадбиркорлар томонидан таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилади.

2. Хотамтой МФЙ ҳудудди бўйича:

“Хотамтой” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони **500 гектар**, маҳалладаги хонадонлар сони **525 та**, аҳоли сони **2680 нафар**, “Темир дафтар”га киритилган хондонлар сони 1 та, аҳоли сони 2 нафар, “Аёллар дафтари”га киритилган аҳоли сони 33 нафарни ташкил этади.

Маҳалладаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони **1392 нафар (51,9 %)**ни, уларнинг доимий иш билан банд бўлганлар сони **1322 нафар (49,3 %)**ни, бугунги кунда ишсизлар 70 нафар (2,6 %) ташкил этади. Ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони **9 нафар**, шундан юридик шахслар **4 та**, яқка тартибдаги тадбиркорлар сони **5 та**. “Обод қишлоқ” дастури доирасида Хотамтой МФЙда жами 10,108 млрд сўмлик;

Шундан:

Республика бюджет маблағлари ҳисобидан - 6,080 млрд сўмлик;

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан - 3,132 млрд.сўмлик;

Тармоқ корхоналари маблағлари ҳисобидан - 560 млн сўмлик;

Тадбиркорлик, ҳомийлик ва банк кредити маблағлари ҳисобидан - 376 млн сўмлик ишлар бажарилиши белгиланган.

Жумладан:

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ҳудуддаги мавжуд 3 дона сув иншоотини реконструкция қилиш, 12 км тармоқ тортиш ишларига **3 млрд 120 млн сўм** республика бюджети маблағлари сарфланиши кўзда тутилган.

Ички йўллари таъмирлаш бўйича ҳудуддаги **8,0 км** ички йўллари асфальтлаш ва шағаллаш учун **2 млрд 970 млн сўм** республика маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Электр таъминотини яхшилаш, аҳолини электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида 2,8 км электр тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, таягч устунларни янгилаш ва 2 дона трансформатор пункти

ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, мазкур ишлар учун **291 млн сўм** "Ўзбекэнерго" АЖ маблағлари сарфланиши белгиланган.

Газ таъминотини яхшилаш бўйича кам таъминланган хонадонларга 15 дона суюлтирилган газ балонлари билан таъминлаш белгиланган ("Ўзтрансгаз" АЖ маблағи **8,0 млн сўм**).

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими бўйича:

3,0 км оптик толали алоқа тармоқларини қуриш ишларига 75 млн сўм "Ўзтелеком" АЖ маблағлари сарфланиши режалаштирилган.

63 дона якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш (100 млн сўм аҳоли ва хомийлар маблағи) кўзда тутилган.

0,5 км пиёдалар йўлаги қуришга 30 млн сўм;

50 дона тунги ёритиш кўча чироқлари ўрнатишга 87 млн сўм маҳаллий бюджет маблағи сарфланиши кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш бўйича:

Хотамтой МФЙ Хотамтой қишлоғида жойлашган жойлашган 41 ва 64-умумтаълим мактабларни таъмирлашга **2 млрд 165 млн сўм**;

74-оилавий поликлиника филиалини таъмирлашга 850 млн сўм маҳаллий бюджет маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек ҳудуддаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари тадбиркорлар томонидан таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-172-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-172-сонли ҳамда шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2022 йил 30 мартдаги 136-11-0-Q/22-сонли қарорини Ўзбекистон туманидаги ижроси тўғрисида туман ҳокимининг коммунал

хўжалик, коммуникациялар, ободонлаштириш ва экологик масалалар буйича уринбосари Ш.Исмоиловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-172-сонли қароридан келиб чиқиб:

- халқ депутатлари туман Кенгаши қарорига асосан, Дастурларда тасдиқланган лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар киритилиши ёки истиқболсиз лойиҳалар чиқариб ташланиши мумкин эканлиги;

- маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳамда уларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларни туман ҳокимлиги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида ҳимоя қилиши;

- халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан келгуси йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар рўйхатини, шунингдек, уларда амалга ошириладиган қурилиштаъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини вилоят ҳокимлиги орқали Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиш лозимлиги белгилаб қўйилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Алижоновга:

- тумандаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида амалга оширилатган ишлар учун ажратилган маблағларни назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Сектор раҳбарлари (Ш.Юлдашев, М.Абдурахманов, Б.Нажмиддинов, У.Фозилов), туман ҳокими ўринбосарлари (Х.Алижонов, Ш.Исмоилов, Я.Солиев, М.Ахмедов, К.Жўраев, С.Бўрибоев), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудирини (Н.Эшматов) “Обод қишлоқ” дастурига киритилган Намуна ва Хотамтой маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида дастур амалга оширилиши бўйича назорат ўрнатсинлар.

5. “Обод қишлоқ” дастурида белгиланган вазифаларни бажарилиши юзасидан масъулларнинг ҳисоботларини тегишли доимий комиссиялар

йиғилишларида тинглаб бориш, муҳокама этиш ва бу бўйича заруратга кўра мониторинг ва ўрганишлар олиб бориш учун Кенгаш сессиялари кун тартиби муҳокамасига киритиб борсинлар.

6. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов), “Яйпан овози” газетаси (К.Шерматов) га мазкур дастур юзасидан амалга оширилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев